O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# 2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ


# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 11 dekabr, shanba

22-23 (303-304) son


## ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Партия Марказий кенгаши аъзолари, ЎзМТДПдан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар иштирок этишди.

Партиянинг сайловолди дастуридан келиб чиқадиган вазифалар ва сайловолди тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов маъруза қилди. У партиянинг сайловолди дастуридан келиб чиқадиган вазифалар, дастурнинг моҳияти ва сайловолди тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисида гапириб, сайловолди тадбирларида «Миллий тикланиш» партияси аъзолари ҳар томонлама ажралиб туриши ҳамда сайлов қонунчилигига қатъий амал қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Кенгаш йиғилишида Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партиялардан иштирок этаётган номзодлар фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сарф-харажатлари муҳокама қилинди. Ажратилган давлат маблағларидан унумли, самарали ва тежамли фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Йиғилишда номзодлар маблағларнинг тақсимланиши юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кенгашда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## "БУ МЕНИНГ ВАЗИФАМ"

*Замондошимиз*

Поликлиникага кириб келган кекса отахон рўйхатхонага яқинлашдида, ҳамшира қиздан сўради:

— Гўзалхон ишлаяптиларми, қизим?

Ҳамшира ҳам бу отахонни яхши танийди шекилли

— Амаки, сиз бошқа дўхтирга киришингиз керак-ку, —деди шошиб.

Амаки бош чайқади.

— Йўқ, бўлса Гўзалхон дўхтирга кираман, бўлмаса қайтиб кетаман.

Ҳамшира қиз гапдонроқ экан, яна сўради:

— Амаки, нимага фақат шу опага кўринаман деяпсиз, ахир шундоқ ҳам касаллари кўп, навбат кутиб қоласизми дейман-да.

— Майли, қанча кутсам ҳам фақат шу дўхтирга кўринаман, чунки бу қизим одамнинг дардини, гапини яхшилаб эшитади. Синчиклаб текширади. Касалингни аниқламагунча қўймайди...

Рўйхатхона ходимаси охири беморга бошқа участкадан бўлса ҳам терапевт-шифокор Гўзалхон Исамуҳамедова қабулига киришга йўлланма беришга мажбур бўлди. Чунки ҳозир беморлар истаган шифокорга киришга ҳақли. Шу боисми пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 9-оилавий поликлиникага келган, айниқса, кекса отахон, онахонлар шу шифокорга кўринсам дейди. Бунинг сири оддий.

Беморларнинг таърифига кўра, Гўзалхон Исамуҳамедова аввало ўзи аёл сифатида хушмуомалали шифокор. Чунки у оддий муомила бемор дардини аритишда ярим "дори" эканини жуда яхши тушунади. Бу тушунча унинг қон-қонига, вужудига сингиб кетган. Ҳар қандай оғир аҳволда ҳам ақл-идроки, майин табассуми, хуш лутфи билан беморлари дардини аритиш, уларга қўлидан келганча беғараз ёрдам беришга интилади. Буни Гўзалхон устозларидан ўрганган...

1966 йили Тошкентдаги 40-ўрта мактабни имтиёзли битирган Гўзалхоннинг бирдан-бир орзуси шифокор бўлиш эди. Сабаби ўша пайтда мазкур мактабда ҳамширалик курсидан машғулотлар ўтказилар, бу Гўзалхоннинг тиббиётга қизиқишини янада орттирарди.

Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ёш қиз шу йили Тошкент давлат тиббиёт институти даволаш факультетининг талабаси бўлди. Бу олий ўқув юртида таҳсил



олганлар билишади, бу даргоҳдаги ўқиш жараёнининг қийинчиликларини.

Талабалик йилларининг мушкулотлари ортда қолиб, Гўзалхон 1972 йилдан маҳалла (участка) шифокори сифатида иш бошлади. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бор эди. Аввал поликлиникада беморлар дардини эшитиши, сўнг уйма-уй юриб, касалларни кўриши, текшириши, зарур бўлса зудлик билан уларни шифохонага жойлаштириши лозим бўларди. Шифокор ҳамиша елкасида инсон ҳаёт-мамоти масъулияти туришини қалбан ҳис этарди. Шу боис ҳам бирор беморига беэътиборлик билан қараган пайти бўлган эмас. Кексаларни ўз ота-онасидек, ёшларни ўз дилбандидек кўриб, дарди, касалига малҳам бўлишга интилади. Беморларининг уни севиб, дуо қилиб, қайта-қайта алқашининг сабаби ҳам шу бўлса ажабмас.

—Бир куни келиним оғриб қолди,— дейди Тамара опа ("Оққўрғон" маҳалласида истиқомат қилувчилардан бири).—Гўзалхонни чақирдик. Келиб, кўриб, дорилар ёзиб бериб кетдилар. Бироқ кечга бориб келинимнинг касали зўрайиб, яна мазаси қочди. "Тез ёрдам" чақирдим. Дўхтир келиб кўрди-да, "Участка шифокори берган кўрсатмалар тўғри, шуни давом эттиринг. Бизни бекор овора қилибсиз", деб кетиб қолди. Ярим кечада қаёққа боришни билмай, охири дўхтир Гўзалхоннинг уйига қўнғироқ қилдим. Барака топкур ҳеч ҳам оғринмай, турмуш ўртоғининг машинасида етиб келди. Келинимга керакли муолажаларни қилиб, тонг отгунча тепасида ўтирса денг. Бир хижолат бўламан-ей... Охири келиним ўзига келиб, иситмаси тушгач, уйига кетди. Бунақа дўхтирлар юздадан битта ҳозир. Барака топсин, дунё тургунча турсин. Участка дўхтиридан, худога шукур, ёлчиганмизда...

Гўзалхон Исамуҳамедова ҳаётида бундай воқеалар кўп бўлиб туради. Бироқ у буларни ўзгаларга гапириб юрмайди, мақтанмайди. Аксинча, беморлари миннатдорчилик билдирса, оддийгина қилиб "Бу менинг вазифам", деб қўя қолади...

...Поликлиникага кириб келган отахон шифокор Г.Исамуҳамедова қабулидан қушдек енгил бўлиб чиқди-да, рўйхатхонадаги ҳамширага гап қотди:

—Айтдим-ку, бу дўхтир бошқача деб, мана касалимни ҳам унутдим...

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.**

***Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.***

## ТЎРАБЕКХОНИМ ФОТИҲАСИНИ БЕРИНГ УНГА...

...Округ сайловчилари уни яхши кутиб олишди. Сабабини улар билан ўтган учрашув чоғи номзоднинг ишончли вакили, тумандаги «Эътиқод» фирмаси раҳбари, «Дийдор» вилоят адабий-бадиий журналининг бош муҳаррири Қадам САЛОЕВ, — шундай таърифлади:

Биз уни дастлаб Хонқада мустақиллик йиллари бошларида кўргандик. Айни пахта йиғим-терими даври эди ўшанда. Туманимиз режани барвақт, ошириб бажарганди. «Қишлоқ ҳаёти» (собиқ «Қишлоқ ҳақиқати»), газетасининг махсус мухбири сифатида келиб, 2-3 кун ўтмаёқ «Хонқа намунаси» деб номланган бир саҳифа материал берди. Катта шов-шувлар бўлди...

Кейинчалик «Саодат» журналида ишлаган кезларида ҳам хонқалик тадбиркор аёллар ҳақида қатор публицистик мақолаларини ўқидик. Масалан, Охунбобоев номли жамоа хўжалигида Сўнажон Сатимова, Солияжон Ортиқова, Навоий номли жамоа хўжалигидан Назира Шамақовалар ҳали-ҳали ўша дилбар сўзлар билан битилган дилбар сатрларни эслаб юришади.

Ёки яна бир мисол: 2001 йил туманимиздаги қурилиш касб-ҳунар коллежи бор-йўғи олти ой ичидаёқ фойдаланишга топширилди ва унда замонавий ўқиш-ўқитиш ишлари кенг йўлга қўйилди. Бу ҳақда ҳам илк бор Раъножон опа ўзи бош муҳаррирлик қилаётган «Соғлом авлод» газетаси орқали бутун республикамизни хабардор қилди...

Қисқароқ айтсам, опа 1997 йил ҳам «Саодат» журналида яна бир гал шундай ёзганди: «...Хонқага кўп борганман. Бу элнинг нимасидир одамни ҳамиша оҳанграбодай ўзига маҳлиё этаверади. Меҳнаткаш кишилари, қишлоқ манзаралари...»

Гап — 101-Хонқа сайлов округидан республика Парламенти қуйи палатаси депутатлигига номзод, ЎзМТДП аъзоси Раъножон ЗАРИПОВА ҳақида кетаяпти. Дарвоқе, у Хоразмга қачон келмасин, қачон бўлмасин, албатта Хонқага, хонқаликлар ҳузурига бир зум бўлса-да кирмасдан қайтмайди. Ва ҳар гал туманда юз бераётган янгиликлар, ўзгаришлар ҳамда юксалишларни албатта катта ҳайрат, катта иштиёқ билан қаламга олади... Муаммолар кўтаради, ечимига бош-қош бўлади...

Қисқача таржимаи ҳолидан:

«... 1951 йил Урганч шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1974 йил Ўзбекистон телевиденияси ва радио эшиттиришлар давлат қўмитасида муҳаррир вазифасидан бошлади. 1987-1990-йилларда «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси таҳририятида мухбир, 1990-1992 йилларда «Сиҳат саломатлик» журналида бўлим муҳаррири... Кейинчалик 1996-1999 йилларда «Саодат»-журналида бўлим муҳаррири, масъул котиб ва «Соғлом авлод учун» журналида бош муҳаррир ўринбосари вазифаларини бажарди. 2000 йилнинг июнь ойидан эътиборан «Соғлом авлод» газетасининг бош муҳаррири.



«Давр ва қайта қуриш», «Аёл, оила, жамият» мавзусидаги туркум мақолалари Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг совринига сазовор бўлган. «Энг азиз, энг улуғ», «Аёл — буюк зот» номли Республика ижодкорлари танловлари ғолиби. «Ҳарорат» номли қисса ва ҳикоялар тўплами босилиб чиққан. Қатор очерк ва ҳикоялари «Эл эъзозлаган аёллар», «Бойчечак», «Чашма», «Барҳаёт номлар», «Аёлга эҳтиром» номли ўнлаб тўпламларда ҳам чоп этилган. Янги қатор қисса ва ҳикоялар тўпламлари нашрга тайёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. Оилали, беш нафар фарзанди бор.

Унга берилган кўпдан- кўп тавсифномаларнинг биридан кўчирма:

«... Янгиликка интилувчан, ташаббускор, маънавий етук. Хусусан, ёшларга ғамхўр ва меҳрибон, жамоат ишларида фаол. Иш жараёнида Президентимиз маърузалари, нутқлари ва асарларида баён этилган қоида ҳамда хулосаларга, истиқлол ғояси ва ЎзМТ ДПнинг дастурий мақсадларини тарғибот ғилишдан чарчамайди. Жамиятда хотин-қизлар мақомини ошириш тарафдори. Хизмат юзасидан газетхонлар, пахтакорлар тадбиркорлар, партиядош дўстлари ва хусусан, ёшлар орасида тез-тез бўлиб туради, учрашувлар, суҳбатлар уюштиради. Нафақат пойтахтда, республика партия-хўжалик фаоллари орасида ҳам катта ҳурмат-эътиборга эга...»

Платформасининг мазмун-моҳияти:

«... Иш билан банд оналар меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳақ тўланадиган таътилларни оқилона узайтириш, уларнинг уйдаги меҳнатини ташкил этиш, бола тарбияси билан боғлиқ муаммолардан уларни муттассил хабардор қилиб бориш... Болалар ва ўсмирларнинг мажбурий меҳнатдан муҳофаза қилишини таъминлаш...»

— Сайлов куни Сизга овоз бераман, опа, — дангал айтди учрашувлардан бирида Раъножоннинг ёнига келган ёшгина аёл.

— Нега энди айнан менга? Номзодларнинг ҳаммасининг мақсади битта: халққа, Ватанга хизмат қилиш. Лекин қай бирини танлаш ва сайлаш — Сизнинг ҳуқуқингиз: ўзингиз танлайсиз, ўзингиз сайлайсиз...

— Йў-йўқ, сизга овоз бераман, менга сизнинг сўзингиз охирида Хоразмга, хоразмликларга қарата ўқиган шеърий сатрларингиз ёқди, ниdодек янгради, — деди у ва ёддан такрор айта бошлади:

**Қадрлаган олис Ҳинд**
**сори бориб ҳам, ҳатто—**
**Паҳлавон Маҳмуддайин**
**полвонларинг изингни.**
**Илк бор сенда, эй,**
**Хоразм, дунё кўрди**
**Авесто—**
**Қўллаб юбор, бу гал**
**ҳам Тошкентдаги**
**қизингни...**

Муаллифдан: Шу ўринда мен хонқаликларга тарихий шахс— Тўрабекхоним жасоратини эсламоқчиман. Унинг матонати асрларга сабоқ. Юртига бир қултум сув келтириш учун от мингани, ёв билан тенгма-тенг олишиб, тўсилган дамбаларни бузиб элига— Хонқага сув келтиргани бугунги баъзи эркакларга асов Аму оёқлари остидан қочиб кетаётган, ерлар тобора шўрланиб бораётган, Орол қуриётган бир пайтда яхши писанда...

Илк бор Шайх Кубро руҳини шод, хотирасини обод қилиб, унинг қабрини тиклаган ҳам Тўрабекхоним эди... Паҳлавон Маҳмудни юртига қайтариб олиб келган ҳам Тўрабекхоним эди... Ҳа, Хоразмда аёл— мундай қарасанг, хонадон «подшо»-си Дастурхонидаги ушоқ нон ҳам, ҳовлисининг бир четида ётган чўп ёки хас ҳам унинг кўзидан қочмайди.

Раъножон — ана шундай аёллардан бири. Унда Турабекхонимнинг жасорати ҳам, хонадонларимиз «подшо»ларининг сезгирлиги ҳам бор. Ишонаманки, Хоразмда, Хонқада мавжуд долзарб муаммолар ҳам унинг нигоҳидан қочмайди, уларнинг ечимига жасорат билан киришади у.

У бугун ўз элининг сўзларини, дардларини тинглашга, ҳоҳиш-истакларини юксак минбарлардан мамлакат Қонунчилик Палатаси диққат эътиборига айтишга шайланган экан, астойдил қутламоқ ва қўлламоқ керак.

Хонқада ҳушёр ва илтифотли инсонлар кўп. Бир аёлки, бугун хизматингизга «лаббай» деб турган экан, Тўрабекхоним арвоҳлари ҳаққи, беринг унга оқ фотиҳангизни!

...Учрашувлар давом этмоқда.

**Омон МАТЖОН, Ўзбекистон халқ шоири.**

*Номзодлар ҳақида ҳикоялар*

## ЁРУҒЛИК ОДАМИ

Муножотхон Нурматова — 1953 йил 15 октябрда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани Қўштепа қишлоғида туғилган.

1970—75 йилларда ЎзМУ ( собиқ ТошДУ )нинг тарих факультети фалсафа бўлимини тугатган.1980—92 йилларда Тошкент Давлат маданият институтида этика ва эстетика фани муаллимаси, 1992—95 йилларда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида бош мутахассис лавозимларида фаолият кўрсатган.

1995 йилда Ўзбекистон республикаси байналминал маданият марказида хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлимига ишга таклиф этилди. 1998 йилдан буён шу марказда директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

«Ўзбекитон — умумий уйимиз» илмий—оммабоп тўплами, «Ўзбек аёли» рисоласи ва кўплаб илмий—маърифий, ижтимоий—сиёсий мавзудаги мақолалар муаллифи, фалсафа фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Мақоламиз қаҳрамонининг ҳаёт йўли билан бирмунча танишиб олдингиз.

—Ҳозир қўлимда турган ўз ҳаракат дастурим ва қалбимда сайловчиларимга бўлган жуда чуқур меҳр—муҳаббатим бор,—дейди Муножотхон.—Мен бошидан кўп яхши-ёмон кунларни ўтказган, ҳамма нарсага сабр, ақл кўзи билан қарайдиган Эски шаҳарнинг Қорасарой мавзеси фуқароларига «сиз учун у қилиб бераман, бу қилиб бераман» деб, баланд-паст ваъдалар қилишимнинг ўзи нотўғри. Чунки, улар депутатликнинг асосий имкони халқ учун яхши, фойдали қонунлар яратишда ва анашу қонунларнинг амалиётга тўла тадбиқ этилишини назорат қилишда намоён бўлишини яхши билишади. Аммо мен депутат бўлиб сайлансам, уларнинг ўз кишиларига айланаман. Муаммоларига яқинроқ бораман. Ўзбек хонадонларида авваллари уч—тўртта оила яшаган. Бугунги орзу—мақсадлар кўлами шахснинг, айниқса, ёшларнинг эркинликка интилиши ёш оилаларнинг алоҳида яшашини талаб этади. Қорасарой мавзеси ҳудудида уй—жой танқислиги муаммоси бор. Маорифчиларимизга эътироз билдирмоқчи эмасману аммо кузатувларимга асосланиб, баъзи мактабларда ўқитувчи кадрлар етишмаслигидан олийгоҳларнинг юқори курс талабалари дарс ўтишар экан. Боз устига айрим ўқувчилар дарс пайтида бозорга чиқиб кетиш, савдо—сотиқ билан шуғулланиши ҳолатлари кузатилади. Бундай муаммоларни бартараф этиш—ёш оилаларнинг уй—жой таъминоти, мактабларда ўқиш—ўқитиш даражасини кўтариш, Қорасарой мавзеси фарзандларининг илм-у ҳунар билан шуғалланишлари учун янги имконлар ахтариш сингари долзарб масалалар менга яна ҳам аёнроқ бўла боради. Албатта, мен қонунлар ижроси амали билан бу муаммоларга йўл қўймасликка, яъни фаровон турмушимиз йўлидаги жамики иллатларга қонун йўли билан барҳам беришга ўз ҳиссамни қўшаман.

Ҳар бир одам — бир олам. Унинг кўнглида ўз орзу—ҳаваслари, мақсадлари бўлади. Жамиятдаги ҳар воқеа-ҳодисага ўз муносабати бўлади. Аммо у ўз кўнглини ҳар доим ҳам ўзи истагандек ифода қила олмайди. Айрим кишиларга халқни тушуниш, унинг дарду қувончига шерик бўлиш, керакли пайтда, керакли минбарда бу туйғуларга овоз бериб айта олиш иқтидори берилади. Муножотхон Нурматова ана шундай юртдошларимиздан бири.



— Ҳозир сиз сайловолди учрашувларда иштирок этасиз, ўз сайловчиларингиз билан юзма—юз келаяпсиз. Ёнингизда муқобил номзодлар.—..Кўнглингиздан нималар кечаяпти? —деяман суҳбатдошимга.

— Муқобил номзодларнинг ҳаммаси зиёли кишилар, — дейди Муножотхон. — улар ҳалол курашадилар, ўзи бир ёқда қолиб, «рақиб»инининг оёғидан чалиш, унга қарши маълумотлар тўплаш билан шуғулланамайдилар, деб умид қиламан.Қолаверса, сайловчиларнинг ҳар бири менга билдираётган бир жумла ишонч сўзини юксак бурч ўрнида қабул қилаяпман. Шу ишончга лойиқ бўлиш учун ўзимни тайёрлаяпман. Халқнинг аниқ мушоҳадаларини тинглаш, мустақиллик йилларида элимизнинг фикрлаш қобилияти қанчалик юқорилаганидан суюниб, фахрланаяпман. Шундай элга депутат бўлиш осон эмаслигини яна бир бор ҳис этаяпман.

Яхши депутат аввало ҳалол, меҳнаткаш, ўз бахт-у иқболини, жамиятдаги нуфузини, қатъиятини яхши устозлар, дўстларга таяниб яратган шахс бўлиши керак.

Яхши депутат элнинг ранги рўйидан, томир уришларидан унинг қалбини англайдиган, оғир—енгилига шерик бўлишига қодир киши бўлиши шарт.

Яхши депутат журъатли, жасоратли қалб эгаси бўлиши зарур.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи 21—Қорасарой сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Муножотхон Нурматованинг халқ овози, сўзи бўлишга лойиқ барча фазилатлар мужассам.

Муножотхонни ўзига хос овозли шоира Дилшод отин, Анбар отин каби халқимиз ҳаётидаги қоронғу кунларга нур берган маърифатпарвар аёллар ижодининг фаол тадқиқотчиси сифатида ҳам кўпчилик яхши билади.

Муножот Нурматовани долзарб мавзулардаги кўплаб мақолаларини ўқиб, бу аёлни элнинг дардини чуқур ҳис қиладиган ижодкор эканлигини англайсиз. «Кўзимизга чанг тушмайди», «Ватан шарафи шарафимиз, миллат номуси номусимиз бўлсин», «Оила бахти—аҳилликда» каби бир қатор газета ва журналларда чоп этилган мақолалари ҳам унинг фаоллиги, сиёсий нуқтаи—назарининг собитлигини белгилайди.

Муножотхон Нурматова сайловчилар билан учрашувларда ҳам, ўз орзу—мақсадлари, эзгу ғоялари синггган гапларни рўй—рост, оддийгина баён этишга интилади. Унга овоз берсангиз, фақат депутатингиз учун эмас, дўстингиз, маслаҳатгўйингиз, ҳаёт йўлларидаги яхши бир ҳамкорингиз учун овоз берган бўласиз.

Сизнинг одил танловингиз ва мададингизга ишонамиз.

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

# УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Фотима ШАРИПОВА

### 3-Темирйўл сайлов округи



Шарипова Фотима Абуллаевна 1951 йил 14 февралда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Маълумоти олий. 1975 йили Тошкент давлат консерваториясини тугатган. Иш фаолиятини Глиэр номидаги махсус мусиқа мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. 1980 йили Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси мусиқали эшиттиришлар таҳририятига мухбир этиб ишга қабул қилинган ва шу билан бирга Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида ижтимоий фанлар кафедрасида этика ва эстетика фанларидан ўқитувчи сифатида фаолият олиб бормоқда. Гўзал одоб-ахлоқ ва нафосат сабоқлари тарғиботига бағишланган фидойи фаолияти устоз ва мураббий Фотима Шарипованинг талабалар ва ҳамкасблари орасида обрў-эътиборини оширди.

У атоқли санъаткорлар, ёзувчилар, ишбилармонлар, спорт усталари (жумладан, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Ризқиев ҳаётидан ҳикоя қилувчи), ҳарбийлар, фермерлар ва бошқа машҳур инсонлар тўғрисидаги мақолалар, очерк ва роман-эсселар муаллифи. Ҳам ижодда, ҳам жамоат ишларида фаол бўлган Фотима Абдуллаевна Шарипова ижодий изланишларини давом эттириб, янги-янги китоблар яратиб, уларни нашр эттириш арафасида.

Оилали. Тўрт фарзанди бор.

Шарипова Фотима Абуллаевна 3-Темирйўл сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## Сапарбой ЖУБАЕВ

### 4-Қорақамиш сайлов округи



Жубаев Сапарбой Дўсжонович 1953 йили Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида деҳқон оиласида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент Давлат Политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)ни тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1974 йили Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида мастер вазифасидан бошлаган. 1981 йилдан Республика Озиқ-овқат саноати вазирлигида бўлим бошлиғи, бош инженер, 1987-1988 йилларда 2-нон заводи директорлиги лавозимида ишлаган. 1989-1990 йиллари Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани уй-жой ишлаб чиқариш бирлашмасида бош директор ўринбосари, 1990-1992 йилларда Тошкент шаҳар молия бошқармасида бўлим бошлиғи, 1992-1999 йилларда Молия вазирлигида бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. 1999 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмасида эксперт, департамент бошлиғи лавозимларида ишлаб келмоқда. Ҳозирги ўтиш даврида мамлакатимиздаги кўплаб банк тизимида содир бўлаётган янгиликларни, ўзгаришларни амалиётга татбиқ этиш, банклар тизимини янада такомиллаштириш, бу соҳадаги иқтидорли ёш кадрларни тарбиялаш ва малакасини ошириш борасида жонкуярлик билан фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, банклар уюшмасига қарашли департаментлар фаолиятини юксалтиришда, банк тизимидаги энг сўнгги технологик жараёнларни жорий этишда унинг хизматлари самарали бўлмоқда.

Сапарбой Жубаев 2002 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Жубаев Сапарбой Дўсжонович 4-Қорақамиш сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## Сарвар АБДУЛЛАЕВ

### 6-Саноат сайлов округи



Абдуллаев Сарвар Собитович 1970 йили 25 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1990 йили Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга кирган. Ёшлигидан араб тилига қаттиқ қизиқиши уни Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг араб тили филологияси факультетига етаклади. Илмга иштиёқ туфайли у 1996 йили институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.

Сарвар Абдуллаев меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар 20-алоқа бўлимида бошлаган. 1987-1988 йилларда Тошкент тикув бирлашмасида назоратчи инспектор, 1990-1995 йилларда Тошкент тумани ҳокимлигининг нашри ҳисобланмиш "Истиқлол нури" газетасида ижодий ходим, 1992-1998 йилларда она тили ва адабиёти ҳамда инглиз тили ўқитувчиси вазифаларида ишлаган. 1997-1998 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада, 1998 йилдан Тошкент шаҳри ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари котибиятида бош мутахассис, 1999 йилдан котибият мудири вазифаларида ишлади.

Ҳам олим, ҳам ташкилотчи Абдуллаев Сарвар жамоатчилик орасида давримизнинг етук ва жонкуяр зиёли кишиси сифатида обрў-эътибор қозонди, мана шундай қобилияти ва иқтидорининг шарофати ўлароқ, 2002 йилдан бошлаб Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент шаҳар бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. 1997 йили Миср араб республикасида малака оширган. 2002 йили номзодлик диссертациясини муваффаққият билан ёқлаб, фалсафа фанлари номзоди деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Абдуллаев Сарвар Собитович 6-Саноат сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## Каримжон МУҲАММАДЁРОВ

### 7-Дўмбиробод сайлов округи

Муҳаммадёров Каримжон Содиқовия 1954 йили Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида туғилган. Илм-фанга ва саънатга қизиқиши туфайли Муҳаммадёровлар оиласи Тошкент шаҳридаги 118-мактабнинг доимо фахри бўлиб келган. К. Муҳаммадёров ҳам ўқувчилик йилларида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга жамоат ишларида фаол иштирок этди. Радиотехника ва табиий фанларга қизиқиши юқорилиги учун 1971 йили Тошкент Давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди ва факультетни аъло баҳолар билан 1976 йили тамомлади. 1974 йили Германиянинг Дрезден Техника университетида тажриба алмашиш сафарида бўлди, диплом ишини физиклар шаҳри Дубнадаги Бирлашган ядро физикаси институтида бажарди.

Иш фаолиятини 1976 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг "Физика-Қуёш " илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлади. 1976-1997 йиллари бирлашмада ишлаб, директор ўринбосари лавозимигача кўтарилди. Илм-фанга қизиқиши юқорилиги учун К. Муҳаммадёров аспирантурани муваффаққиятли тамомлаб, жисм физикаси йўналишида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1982-1984 йилларда илк бор К. Муҳаммадёров муаллифлигида янги



Давлат стандарти жадваллари чоп этилди. Бундан ташқари 20 дан ортиқ илмий мақолалари хорижий мамлакатлар илмий журналларида босилди.

К. Муҳаммадёров Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган дунёда энг катта бўлган Қуёш сандонини барпо этишда бевосита иштирок этди. 1987 йилда К. Муҳаммадёров "Қуёш" қўрғонига оиласи билан кўчиб бориб, у ердаги ишларни янада жадаллаштирди. Материалшунослик институти қошида керамика бўлимини ташкил этди ва керамика соҳасида мутахассисларни етиштирди.
1997 йили ойна ва керамика соҳасида эришган ютуқлари учун "Ўзқурилишматериаллари" Акционерлик компанияси бўлим бошлиғи лавозимига тайинланди.

К. Муҳаммадёров "Ўзқурилишматериаллари" Акционерлик компаниясидаги иш фаолияти давомида "ТошҚМК" акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган кафель сифатини яхшилашда, Қувасойдаги "Кварц" ойна заводида юқори сифатли ойна ва автомобиль саноатига яроқли ойна чиқаришда, шунингдек, Поп шаҳридаги "Юмшоқ томёпқич ашёлар комбинати" ва бошқа корхоналар фаолиятида ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келмоқда.

К. Муҳаммадёров Республикамизда жорий этилган қонунларни яхши ўзлаштиргани ва керак бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида халқ фаровонлигини яхшилаш, ҳамда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қонунларга ўзгартишлар киритишда ўзининг амалий ҳиссасини қўша олишига ишончимиз комил.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Муҳаммадёров Каримжон Содиқович 7-Дўмбиробод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган

## Олим ЎСАРОВ

### 11-Тўқимачи сайлов округи

Ўсаров Олим Авалбоевич 1973 йили 9 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1996 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини тамомлаган.

Иш фаолиятини 1991 йили "Чирчиқ тонги" газетасида мухбирликдан бошлаган, сўнгра бўлим бошлиғи, масъул котиб вазифаларида ишлади. 1995 йили Ўзтелерадиокомпания "Спорт" муҳарририятига муҳаррир вазифасига ишга қабул қилинди. Ўз устида тинимсиз ишловчи, изланувчан Олим Ўсаров Ватанимиз мустақиллиги йилларида журналистлик ихтисослигига қўшимча ўлароқ иккинчи касб – ҳуқуқшунослик мутахассислигини эгаллашга аҳд қилди. Аҳдига содиқ журналист 2002 йили Тошкент Давлат юридик институти суд-прокурорлик факультетини ҳуқуқшунослик ихтисослиги билан тамомлади.



О.Ўсаров Ўзтелерадиокомпания "Маънавият" муҳарририятида бўлим бошлиғи, "Сиёсат" бош муҳарририятида бўлим бошлиғи, "Ёшлар" телеканалида бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. Бундан кейинги меҳнат фаолиятида Ўсаров Олимнинг ҳар иккала мутахассислиги уйғунлашиб кетди, яъни, у ўз малакасини мамлакатимизнинг олий ҳуқуқий идорасида – Олий Судда давом эттирди. Журналист-ҳуқуқшунос сифатида 2002 йилдан то ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди матбуот хизмати раҳбари, Олий Суд Бирлашган таҳририяти Бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда.

Олим Ўсаровнинг бадиий адабиётнинг энг нозик жанри бўлмиш шеърият соҳасидаги изланишлари йил сайин ўз самарасини берди: унинг "Баҳор хазонлари", "Изтироб гуллари", "Зумрад тонглар" шеърий тўпламлари, "Тунги қотиллик" китоби жамоатчилик ва ўқувчилар орасида кенг тарқалди.

У "Ижодкор ўқитувчилар" республика ва "Энг улуғ, энг азиз" кўрик танловлари ғолиби бўлган.

Ўзбек кураши бўйича халқаро тоифадаги ҳакам ва Халқаро Республика Институти (АҚШ) сертификатини қўлга киритган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Ўсаров Олим Авалбоевич 11-Тўқимачи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## Розимат ИСМОИЛОВ

### 9-Бодомзор сайлов округи



Исмоилов Розимат Холматович 1953 йили 25 февралда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Бектемир қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Маълумоти олий. 1974 йили Тошкент политехника институтини ҳамда Тошкент Автомобил йўллари институтини тамомлаган. 1988-1993 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг сиртқи бўлимини бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг анализи ихтисослиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1969 йили 59-автокорхонада бошлаган. 1974 йили Автомобил транспорти вазирлигига қарашли Иркутск вилояти Нижне- Удинск шаҳрида автокорхона бошлиғи, 1976-1981 йилларда Бўка шаҳри ва Зангиота туманига қарашли автокорхона раҳбари лавозимида, 1981-2000 йилларда Тошкент шаҳар, вилоят трансэкспедиция бирлашмасида бирлашма раҳбари, 2000-2003 йилларда Чилонзор туманида ҳоким муовини, коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш хизмати раҳбари лавозимларида фаолият кўсатган. Ҳозирги кунда Автотрансднепросервис қўшма корхонаси бош директори.

Р. Исмоилов узоқ йиллик меҳнат тажрибасидан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида автокорхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни замон талаблари даражасига кўтариш ва бу соҳада жаҳоннинг илғор тажрибаларини жорий этишга куч ғайратини сарфламоқда.

1983-1985 йилларда Мирзо Улуғбек тумани, 1985-1987 йилларда Акмал Икромов туманидан депутатликка сайланган. У депутатлик йилларида туман ижтимоий аҳволини яхшилашда, коммунал хизматни юксалтиришда муносиб ҳисса қўшган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Исмоилов Розимат Холматович 9-Бодомзор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## Мухаррам РАХМАНОВА

### 12- Андижон сайлов округи



1960 йил Андижон шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1982 йил Андижон Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1982 йил АДТО клиникасида интернатурадан бошлаган. 1983 йилдан Шахрихон тумани қишлоқ врачлик амбулаториясида бош шифокор вазифасида ишлай бошлади. 1986 йилдан Андижон шаҳридаги 3-сонли поликлиникада маҳалла шифокори, 1992 йилдан терапия бўлими бошлиғи, 1997 йилдан бош шифокор ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1999 йилдан бери шу поликлиниканинг бош шифокори лавозимида фаолият юритмоқда.

М. Рахманова ўз соҳасининг етук билимдони бўлиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келади. Унинг ташаббуси билан тез-тез қариялар, ногиронлар, она-болалар тиббий кўриклардан ўтказилиб турилади. У айниқса, ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсишига ҳар томонлама эътибор бериб келади. М. Рахманова раҳбарлик қилаётган поликлиника замонавий тиббиёт жиҳозларига эга бўлиб, турли касалликларни тезда аниқлаш, тўғри ташхис қўйиши билан бошқа тиббий муассасалардан ажралиб туради.

Оилали.

Рахманова Мухаррам Исмоиловна 12- Андижон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## Равшаной ЖЎРАБОЕВА

### 13-Олтинкўл сайлов округи



Жўрабоева Равшаной Тўхтасиновна 1964 йили 24 декабрда Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Ёрқишлоқ қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Маълумоти олий. 1986 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1981 йил «Ғалабанинг 30 йиллиги» колхози аъзоси, институтни тугатгандан сўнг, 1986 йил Бўз педагогика билим юртида ўқитувчи вазифасидан бошлаган. 1987 йилдан Қўрғонтепа туман халқ таълими бўлимида услубчи, 1988 йилдан Жалақудуқ тумани Ёшлар иттифоқ қўмитасида йўриқчи, бўлим мудири, 1993 йилдан вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ташкилий бўлими йўриқчиси, 1995 йилдан Андижон шаҳар ҳокимлигида бош мутахассис, 1998 йилдан вилоят ҳокимлигида етакчи мутахассис вазифаларида фаолият юритган. 1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг Андижон вилояти бўйича вакили, тармоқ вилоят кенгашининг раиси лавозимида фаолият юритмоқда.

Жўрабоева Равшаной Тўхтасиновна 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг «Давлат ва жамият қурилиши» факультетини тамомлаган.

У қаерда, қайси лавозимда ишламасин, ҳамиша ҳамкасбларига ташаббускорлиги, ишбилармонлиги ва янгиликларга ҳар томонлама интилувчанлиги билан бошқаларга намуна бўлиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Жўрабоева Равшаной Тўхтасиновна 13-Олтинкўл сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

# ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

# УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## *Иброҳим ҒАФУРОВ*

### *14-Балиқчи сайлов округи*



Ғафуров Иброҳим Усмонович 1937 йилнинг декабрь ойида Тошкент шаҳрида ҳунарманд-нонвой оиласида туғилган. 1961 йили САГУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетини имтиёзли диплом билан битирган. Иброҳим Ғафуров 1961-1982 йилларда Давлат бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. «Матбуот аълочиси» унвони соҳиби. Унинг адабий-бадиий йўналишдаги танқидий мақолалари кенг жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборини тортиб турган. Хоҳ замонавий, хоҳ мумтоз адабиёт муаммоларидан бўлсин, Иброҳим Ғафуровнинг қаламига мансуб деярли бирор мақола ёки бирор чиқиш изсиз кетмаган, эътиборсиз қолмаган. 1982-1995 йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаган кезлар И. Ғафуров учун ниҳоятда сермаҳсул келди. Шу йилларда хассос олимнинг публицист – ўткир сўз устаси сифатидаги маҳорати тўла намоён бўлди. Бу тажриба ва маҳорат кейинчалик "Миллий тикланиш" газетаси ишларининг йўлга қўйилишида, Республикамиз зиёлилари жамоатчилиги орасида қўлма-қўл қилиб ўқиладиган нашр даражасига кўтарилишида жуда-жуда қўл келди.

Иброҳим Ғафуров 1995-2004 йилларда «Миллий тикланиш» демократик партияси раисининг биринчи ўринбосари, Марказий кенгаш раиси ва «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири лавозимларида хизмат қилган даврида партия етакчиси, фаоли ва жамоат арбоби сифатида Республикамизга танилди. Ҳозирги кунда «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари.

И.Ғафуров 45 йилдирки, Республика адабий жамоатчилиги орасида етук ва атоқли ижодкор сифатида ўз ўрни, ўз овозига, салоҳиятига эга. Адабий-танқидий тадқиқотлари, мамлакатимизда бораётган сиёсий, маданий-маърифий жараёнларни ёритиш, миллий истиқлол мафкураси қирраларини яратишга бағишланган юзлаб мақолалари, ўнлаб сара китоблари халқимиз орасида кенг тарқалган, эътироф этилган. Унинг таржимасида босилган жаҳон адабиётининг бир қанча буюк намуналари, чунончи Ф.Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо", "Телба", Ч.Айтматовнинг "Кунда", Э.Хемингуэйнинг "Алвидо, қурол", шунингдек, Ф.Ницшенинг "Зардушт таваллоси" асари ўзбек миллий тафаккурининг, дунёқарашининг бойишида ҳар жиҳатдан унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Филология фанлари номзоди.

Ғафуров Иброҳим Усмонович 14-Балиқчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Абдурашид ТЎХТАБОЕВ*

### *20-Қўрғонтепа сайлов округи*



Тўхтабоев Абдурашид Турсунович 1953 йили 4 сентябрда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Қўштепа қишлоғида туғилган. Маълумоти олий. 1977 йили Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат Техника университети)ни тугаллаб, иқтисодчи-муҳандис мутахассислигини эгаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1977 йили Тошкент политехника институтида кичик илмий ходим вазифасидан бошлаган.1978-1980 йилларда ушбу институт "Қурилиш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш" кафедраси ассистенти, 1980-1981 йилларда изланувчи-тадқиқотчи вазифаларида ишлаган. 1981-1984 йилларда Москва Бошқариш институти аспиранти бўлган ва муддатдан олдин номзодлик диссертациясини ёқлаган.1984 йили Тошкент Халқ хўжалик институтининг Андижон филиалида ассистент, 1986 йили доцент, 1993-1999 йилларда "Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни бошқариш" кафедраси профессори лавозимигача, 1999 йилдан кафедра профессори лавозимига сайланган. 1986 йили Тошкент Халқ хўжалик институтининг Андижон филиалида декан, 1990 йилдан директор ўринбосари, 1992-1995 йиллари Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори муовини, 1995 йилдан институт проректори вазифаларида фаолият олиб борган. Ҳозирги кунда ушбу институт кафедра мудири ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Заҳирадаги кадрлар мактаби" директори вазифасида фаолият олиб бормоқда. Бевосита унинг раҳбарлиги остида ўнлаб ўз соҳасининг билимдонлари етишиб чиқмоқдалар. Айниқса, директор соғлом авлод, баркамол авлод тарбияси билан мунтазам шуғулланиб келади. Ундан фидойилик ва жонкуярликни ўрганса арзийди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят кенгаши раиси сифатида партия сафларини мустаҳкамланиши ва обрў-эътибори ортиб боришида муносиб ҳиссаси бор.

"Мустақиллик"ва "Олий таълим аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Тўхтабоев Абдурашид Турсунович 20-Қўрғонтепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Алишер ЖАЛИЛОВ*

### *16-Асака сайлов округи*



Жалилов Алишер Юсуфжон ўғли 1943 йили 1 сентябрда Андижон шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1971 йил Андижон Давлат тиббиёт институтини тамомлаб, жарроҳлик мутахассислигига эга бўлди.

Иш фаолиятини 1961 йили Андижон мебел фабрикасида ишчи вазифасидан бошлаган. 1964-1965 йилларда Андижон Давлат тиббиёт институтининг химия кафедраси лаборанти, 1971-1973 йилларда Андижон шаҳар марказий касалхонасида жарроҳлик бўлимида жарроҳ, 1974-1985 йилларда Андижон шаҳар санитария-эпидемиология станциясида бош врач муовини вазифаларида иш фаолитини олиб борган. Ҳозирги кунда А. Жалилов Андижон шаҳар санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори вазифасида фаолият олиб бормоқда.

А. Жалилов малакали мутахассис, ўз соҳасининг етук билимдони ва ташкилотчи раҳбар сифатида одамлар орасида катта ҳурмат қозонган. У эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Ўз касбининг пухта билимдони Алишер Жалилов вилоят ва Андижон шаҳрининг тозалиги, ободлиги учун ҳамиша ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шаҳарнинг озодалиги кундан-кунга яхшиланиб бораётгани, кўчалар ва маҳаллалар ободлиги, экологик муҳитнинг тозалиги А. Жалилов ва у раҳбарлик қилаётган марказнинг энг ёрқин фаолияти ҳисобланади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Жалилов Алишер Юсуфжон ўғли 16-Асака сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Саид ИБРАГИМОВ*

### *17-Истиқлол сайлов округи*



Ибрагимов Саид Санжарович 1956 йили 9 мартда Андижон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Маълумоти олий. 1979 йили Андижон тиббиёт олийгоҳини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1980 йилда шифохонаниннг жарроҳлик бўлимида жарроҳ вазифасидан бошлаган. 1982 йилдан Андижон вилоят ўсма касалликлари диспансерида жарроҳ-онколог вазифаларида фаолият юритган. 1985-1988 йилларда Москва шаҳридаги Онкологик Илмий Марказнинг аспирантурасини тамомлаб, тиббиёт фанлари номзодлик диссертациясини ёқлади. 1988 йилдан Андижон тиббиёт олийгоҳининг госпитал жарроҳлик кафедрасида ассистент лавозимида ишлаган. 1992-1994 йилларда Россия Онкологик Илмий Маркази докторантурасини тамомлаб, тиббиёт фанлари докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирда нур ташхиси, нур терапияси ва онкология кафедрасида профессор лавозимида фаолият юритмоқда.

С. Ибрагимов мамлакатимизда ўз соҳасининг етук мутахассисларидан бири ҳисобланади. У тиббиётга жаҳон жарроҳлик соҳасининг энг сўнгги янгиликларини олиб киришга ва уларни тадбиқ этишга интилиб келади. Айтиш мумкинки, у қўли енгил ва қалби очиқ мутахассис сифатида обрў-эътибор қозонган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Ибрагимов Саид Санжарович 17-Истиқлол сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Рустам РАЗИКОВ*

### *23-Бухоро сайлов округи*



Разиков Рустам Камилович 1963 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1985 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)ни тамомлаган. Маълумоти бўйича мутахассислиги химик, ўқитувчи, иқтисодиёт магистри.

Меҳнат фаолиятини 1985 йили Ўзбекистон Фанлар Академияси Полимерлар химияси ва физикаси институтида катта лаборант вазифасидан бошлаган.1985-1993 йилларда шу институтда илмий ходим, 1993-1996 йилларда Германиянинг "Шеринг АГ"фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонасида маслаҳатчи, 1996-1997 йилларда "Отабек" хусусий фирмасида маркетинг бўйича маслаҳатчи, 1997-1998 йилларда "Редди-фармед" қўшма корхонасида маркетинг бўйича ходим, бош директор ўринбосари, 1998-1999 йилларда Тошкент Фармацевтика институти Марказий илмий текшириш лабораториясида етакчи илмий ходим, 1999-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш марказида марказий лабораториянинг бош муҳандиси, гуруҳ раҳбарининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш марказида сертификат беришни текшириш ва назорат бўлимининг бошлиғи.

Р.Разиков 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ҳозир шу академияда докторант-тадқиқотчи. Рус, инглиз, немис тилларини мукаммал билади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Разиков Рустам Камилович 23-Бухоро сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Илҳом БОҚИЕВ*

### *32-Зарбдор сайлов округи*



Боқиев Илҳом Абдувалиевич 1965 йили 29 декабрда Жиззах вилояти Зомин туманида туғилган. Маълумоти олий. 1987 йили Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтини муҳандис-иқтисодчи мутахассислиги бўйича тугатган.

Иш фаолиятини 1987 йили "Жиззахтранс" бирлашмаси иқтисодчиси вазифасидан бошлаган. 1987-1990 йилларда "Жиззахтранс" бирлашмаси мутахассиси, бўлим бошлиғи, 1998-2000 йилларда "Жиззахтранс" бирлашмаси бош директори ўринбосари, 2000-2004 йилларда "Жиззахтранс" автомобилларда юк ва йўловчи ташиш уюшмасига қарашли Пахтакор туманидаги 112- автокорхона директори вазифаларида ишлаган. Ҳозирги кунда "Ўзавтодарётранс" агентлиги Жиззах вилояти бўлими директори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

И. Боқиев узоқ йиллардан буён автотранспорт соҳасида билимдон мутахассис, жонкуяр раҳбар ва ташкилотчи сифатида ўз билим ва иқтидорини намоён этиб келмоқда. У бозор иқтисодиёти шароитида автотранспорт соҳасини такомиллаштиришда, хориж технологияларини жорий этишда ташаббускор бўлмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Боқиев Илҳом Абдувалиевич 32-Зарбдор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Абдуғафур МАМАТОВ*

### *33-Ғаллаорол сайлов округи*



Маматов Абдуғафур Эшонқулович 1955 йили 2 декабрда Самарқанд вилоятида туғилган. Маълумоти олий.1979 йили Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Иш фаолиятини 1979 йили Жиззах Давлат Педагогика институтида бошлаган. Ҳозирги кунда ҳам иш фаолиятини шу институтда олиб бормоқда. 1998 йили фан номзоди, 2000 йили фан доктори илмий даражаларига эришган. Учта монография, битта дарслик, юздан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар муаллифи.

А. Маматов ўқув жараёнини илмий ва амалий қўшиб олиб боришни мақсадга мувофиқ деб билади. Шу боис ҳам ўзи ўтадиган дарсларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўради, ёзадиган дарсликларини амалиёт билан боғлайди. У иқтидорли ёшларни тарбиялашга, айниқса, уларни илм билан мунтазам шуғулланишларига кенг имкониятлар яратиб беради. Шунингдек, хориж таълимида бўлаётган энг сўнгги янгиликлар билан ўз ўқувчиларини мунтазам таништириб боради. А Маматов изланувчан, янгиликка ташна ва фидойи устозлардан ҳисобланади.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Маматов Абдуғафур Эшонқулович 33-Ғаллаорол сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Баҳодир ҚЎШАНОВ*

### *35-Қизилтепа сайлов округи*



Қўшанов Баҳодир Солимуҳаммедович 1966 йили 25 июлда Самарқанд вилояти Нурота туманида туғилган. Маълумоти олий. 1989 йили Тошкент халқ хўжалиги институтини, 1991 йили қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги Агробизнес институтини, 2004 йили Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича «Молия ва кредит»-иқтисодчи, Агросаноатбанки менежери, ҳуқуқшунос.

Иш фаолиятини 1989 йили Агросаноатбанки Самарқанд вилояти бошқармаси Амалиёт бошқармаси Капитал қўйилмаларини кредитлашни ташкил қилиш ва молиялаш бўлимида бошлаган 1991-1994 йилларда Ўздеҳқонсаноатбанки Самарқанд бўлимида, 1994-1995 йилларда Ўздеҳқонсаноатбанки Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи ўринбосари, 1995-1996 йилларда ИАТ «Пахта» банки Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи ўринбосари, 1996-1998 йилларда ДАТ «Асака» банки Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи ўринбосари, 1998-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Навоий вилоят бош бошқармаси бошлиғи, 2000-2003 йилларда Навоий вилоят ҳокимининг умумиқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари, вилоят иқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси бошлиғи, 2003-2004 йилларда АТ Савдогарбанк раиси ўринбосари –Пул муомаласи, касса амалиётлари ва қимматбаҳо қоғозлар бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Қўшанов Баҳодир Солимуҳаммедович 35-Қизилтепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

# ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

# УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## *Ашурали ЖЎРАЕВ*

**_37-Хатирчи сайлов округи_**



Жўраев Ашурали Очилович 1956 йилда Навоий вилояти Навоий (ҳозирги Кармана) туманининг Жалойир қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Олий маълумотли. Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1970 йилда «Нарпай» хўжалигида ишчи вазифасидан бошлаган. 1973-1974 йилларда «Ташсельмаш»да йиғувчи чилангар, 1972-1986 йилларда Тошкент технология билим юртида ўқитувчи, 1983-1996 йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бўлим мудири, 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим вазифаларида ишлаган.

Таникли журналистнинг ижодий маҳорати айниқса санъат соҳасига доир чиқишларида кенг омманинг назарига тушди. Республика оммавий ахборот воситаларида босилган мақолалари, жумладан телевидение ва радиодаги кўрсатув ва эшиттиришлари санъат шинавандаларини қизиқтирган, кўнглига жуда яқин бўлган элимиз эътироф этган санъат усталари ҳаётидан мароқли ҳикоя қилинган асарларга айланиб кетди. Адиб ва журналистнинг машҳур эстрада юлдузи Ботир Зокировга бағишланган "Юрак бўронлари" қиссаси, шунингдек, "Дил гавҳари", "Сенга кўнгил берсам" китоблари адабиймаданий жамоатчилигимизда катта воқеа сифатида қабул қилинди.

Ашурали Жўраев ижодининг яна бир қирраси кулги билан чамбарчас боғлиқ. Унинг фикрича, соғлом кулгининг барқарорлиги жамият соғломлигининг муҳим шартларидан бири. Халқни кулдира билиш, кулгу маданиятини юксалтириш ҳам умумтараққиёт ишига улкан ҳисса қўшади. Ижодкорнинг мана шу истеъдоди унинг ҳозирги кунда «Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси бош муҳаррирлиги вазифасида айниқса қўл келмоқда.

Ўткир қалам соҳибининг матбуот соҳасидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» юксак унвони билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Жўраев Ашурали Очилович 37-Хатирчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Жаннатой ТОШМАТОВА*

**_38-Поп сайлов округи_**



Тошматова Жаннатой Сайфутдиновна 1967 йили Наманган вилояти Поп туманида ишчи оиласида туғилган. 1985 йили Поп туманидаги 4-ўрта мактабни имтиёзли битириб, Тошкент Давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирган ва уни 1992 йили муваффақиятли тугатган. 1992—1996 йилларда "Консольд" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида услубчи, 1996—2000 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида илмий тадқиқотчи, сўнгра "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" маркази раҳбари, 2000 йилдан ҳозирга қадар Миллий университетнинг Маданият саройи директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан маданият саройида талаба ёшларнинг қатор анжуманлари, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар, маданий-маърифий мавзуларда кечалар ва бошқа тадбирлар ўтказилиб келинади.

Педагогика фанлари номзоди.

Тошматова Жаннатой миллий маданият ва маънавият, хусусан, ёш авлод тарбиясига доир муаммоларни илмий-амалий нуқтаи назардан тадқиқ этиш билан кўпдан буён шуғулланади. Ушбу мавзудаги ўнлаб мақолалари билан жамоатчилик орасида яхши таниш. Ёшларнинг талабчан ва меҳрибон устози. Республика миқёсида ўтказиладиган кўплаб оммавий тадбирларнинг жонкуяр ва моҳир ташкилотчиси.

Жаннатой Тошматова айни вақтда иккинчи мутахассислик бўйича Тошкент давлат юридик институтининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишни тугатгач, мазкур йўналишда ҳам илмий изланишлар олиб бормоқда. Устоз олиманинг "Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг давлат такомилидаги истиқболлари" деб номланган салмоқли китоби нашриётдан чиқиш арафасида.

Тошматова Жаннатой оилали, уч фарзанднинг меҳрибон волидаси.

Тошматова Жаннатой Сайфутдиновна 38-Поп сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Одилжон АБДУҚАҲҲОРОВ*

**_39-Чуст сайлов округи_**



Абдуқаҳҳоров Одилжон 1951 йили 28 январда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Заркент қишлоғида туғилган.Маълумоти олий. 1973 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)ни, сиёсий иқтисод мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1973 йили Наманган Давлат педагогика институтида лаборант вазифасидан бошлаган. 1973-1995 йиллар давомида Наманган Давлат педагогика институтида кабинет мудири, ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1995-1996 йилларда "Ўзсавдогарбанк"-нинг Наманган вилояти бўлинмасида бўлим бошлиғи, 1996 йилдан бошлаб 2000 йилгача Наманган вилояти "Иқтисодиёт ва солиқ" газетасининг муҳаррири, вилоят солиқ бошқармаси Сервис маркази бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. 2000 йилдан бери Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Республика ахборот-маслаҳат марказининг Наманган вилояти бўлинмаси бошқарувчиси ва Наманган вилояти "Иқтисодиёт ва солиқ" газетасининг муҳаррири вазифаларида фаолият кўрсатмоқда. У солиқ тизимида содир бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар ва соҳага оид қўлланмаларни газета саҳифаларига дадил олиб чиқмоқда. Солиқ тўловчининг ҳуқуқлари ҳақида, солиқдан қочиб юрганларнинг асл қиёфасини рўйи-рост кўрсатишда унинг газетаси бошқаларга намуна бўлмоқда.

Оилали.

Абдуқаҳҳоров Одилжон 39-Чуст сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Неъматилла ОТАЖОНОВ*

**_40-Тўрақўрғон сайлов округи_**



Отажонов Неъматилла 1947 йил 1 майда Наманган вилоятининг Уйчи туманида ишчи оиласида туғилган. Маълумоти олий. Андижон педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1979 йили инглиз тили кафедраси мудири вазифасидан бошлаган. 1979 йили филология фанлари номзоди, 1984 йили доцент, 1990 йилда хорижий тиллар кафедраси профессори унвонига эга бўлган. Отажонов Неъматилланинг ҳаётга кириб келиш, мутахассис сифатида қарор топиш даври 1984-1992 йилларга тўғри келди деб айтиш мумкин. Айни шу йилларда у институтнинг проректори, 1994 йили филология фанлари доктори илмий даражасини олишга эришгач, нуфузли олий илмий даргоҳнинг етакчи устозларидан, тарбиячиларидан бирига айланди.

Отажонов Неъматилла инглиз тилини ўқитиш муаммоларига бағишланган энг долзарб мавзуларга бағишланган 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий йўналишдаги ишлар муаллифи. Ёшларнинг меҳрибон устози. Устоз олимнинг раҳбарлигида ўнга яқин шогирдлар шарафли илмий даража – фан номзоди мартабасига эришдилар. Мана шундай беминнат хизматлари туфайли Отажонов Неъматилла Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ёрлиқлари ҳамда "Халқ маорифи аълочиси" нишони билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Отажонов Неъматилла 40-Тўрақўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Йўлдош УБАЙДУЛЛАЕВ*

**_41-Косонсой сайлов округи_**



Убайдуллаев Йўлдош Ғаниевич 1964 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1980 йили ўрта мактабни битиргач, икки йил Пойафзал тикиш ва таъмирлаш фабрикасида ишчи, ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач (1982—1984), ушбу фабрикада цех катта устаси бўлиб ишлади. 1990 йилдан 1999 йилгача аввал қурилаётган, сўнгра ишга тушган Терини қайта ишлаш корхонаси директори лавозимида фаолият юритди.

Убайдуллаев Йўлдош Наманган вилоятида биринчилар қаторида хусусий оммавий ахборот воситаси, яъни, телекўрсатувлар ва газеталар фаолиятини йўлга қўйган. Бу билан у жамиятда юз беражак янгиланишлар жараёнларини нақадар нозик илғашини, уларга руҳан тайёр тура олишини, ҳамкасбларини шу йўлга сафарбар эта олиш маҳорати борлигини кўрсатди. Йўлдош Убайдуллаев раҳбарлик қилаётган "Шарқ телевидениеси" ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кенг аҳоли ўртасида катта обрўэътиборга сазовор бўлаётганининг асл бойиси ҳам шунда. У раҳбарлик қилаётган телевидение кўрсатувлари, нашр эттираётган газеталари ўзининг оммавийлиги, қизиқарлилиги, кексаю ёшга бирдек маъқул келаётгани билан диққатга сазовор.

Йўлдош Убайдуллаев бағри кенг, саховатли, кишилар билан осон тил топиша билади. Ушбу фазилатлари унинг меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришишида замин вазифасини ўтамоқда.

Йўлдош Убайдуллаев оилали, икки фарзанднинг отаси.

Убайдуллаев Йўлдош Ғаниевич — 41-Косонсой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Ёқубжон ҲАЗРАТҚУЛОВ*

**_47-Регистон сайлов округи_**



Ҳазратқулов Ёқубжон Мўминқулович 1960 йили 31 октябрда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. Маълумоти олий.1989 йили Самарқанд Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Ўқишини сиртқи бўлимда ўқигани учун меҳнат фаолиятини 1983 йили 41-мактабда ўқитувчи вазифасидан бошлаган. 1986-1988 йилларда вилоят газетасида мухбир, 1988-1992 йилларда "Ургут садоси" газетасида муҳаррир, 1992-1996 йилларда "Мерос" газетасида бош муҳаррир вазифасида фаолият олиб борган. Ҳозирги кунда "Мерос" газетасида бош муҳаррир вазифасида ҳамда Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси вазифасида ишлаб келмоқда. У Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг аъзоси. 2001 йилда Мустақилликнинг 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳазратқулов Ёқубжон Мўминқулович журналистика соҳасида қалами чархланган ижодкорлардан. У кўпроқ Самарқанд тарихи ва ўтмишига оид мавзуларда мақолалар ёзиб келади. Шунингдек, маънавият ва маданиятга оид қатор ўткир публицистик мақолалари, эсселари ва суҳбатлари эълон қилинган. Унинг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келиши ҳам ибратга лойиқ. Жумладан, "Олтин Мерос" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари сифатида ота-боболаримиздан қолган қадим меросни, тарихий ва маданий ёдгорликларини асрашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

Ҳазратқулов Ёқубжон Мўминқулович 47-Регистон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Зебо ҚОДИРОВА*

**_48-Сўғдиёна сайлов округи_**



Қодирова Зебо Тиллаевна 1954 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1976 йили Самарқанд давлат университетини амалий математика мутахассислиги бўйича тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1978 йили Самарқанд вилояти суғурта бошқармасида бўлим ҳисобчиси вазифасидан бошлаган. 1980-1983 йиллари Самарқанд қурилиш-монтаж бошқармасида катта ҳисобчи, 1984-1988 йиллари Назорат-тафтиш бошқармасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимида катта ҳисобчи-тафтишчи, 1995-1997 йилларда «Ҳисоб» аудиторлик ташкилотида катта тафтишчи, директор, 1998-2001 йилларда «Камолот» аудиторлик хизмати фирмаси директори вазифаларида фаолият олиб борган.

Ҳозирги кунда Зебо Қодирова директорлик қилаётган «K.Z.T» аудиторлик ташкилотини Самарқанд вилоятида яхши билишади. Ташкилот ходимларининг малакали хизматидан кўпчилик миннатдор.

Қодирова Зебо ўзининг тинибтинчимаслиги, изланувчан ва билимга ташналиги шарофати ўларок, инглиз, урду, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида бемалол сўзлашиш даражасига етишган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Қодирова Зебо Тиллаевна 48-Сўғдиёна сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Гулруҳ ЮСУПОВА*

**_49-Булунғур сайлов округи_**



Юсупова Гулруҳ Насруллаевна 1955 йил 29 декабрда Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1979 йили Самарқанд Давлат университетининг рус филологияси факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1978 йили Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтида бошлаган. 1978-1994 йилларда Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтида ўқитувчи, 1994-1996 йилларда Агросаноат касаба уюшмаларида раис ўринбосари, 1996-1998 йилларда вилоят ҳокимлиги ижтимоий-маданий ишлар бошқармасида умумий ишлар ва кадрлар бўлими бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. 2001 йилдан буён "Меҳрдод" вилоят маҳалла хотин-қизлар ва ёшлар ассоциацияси раиси. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан Самарқанд шаҳар ва вилоят маҳаллаларида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот фаолиятини олиб боради.

Гулруҳ Юсупова ўзининг барча истеъдод ва тажрибасини маҳаллаларимизни ҳар томонлама ривожлантиришга, унинг муаммоларини ҳал этишга, фуқароларнинг маънавий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, турли миллат вакилларининг ягона оила бўлиб яшашлари учун имкон берувчи соғлом муҳит яратишга сафарбар этмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Юсупова Гулруҳ Насруллаевна 49-Булунғур сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаталигига номзод этиб кўрсатилган.

# ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

# УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## *Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ*

***62-Янгиер сайлов округи***



Дўстмуҳамедов Хуршид Набиевич 1951 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини битиргач, 1973-1995 йиллар мобайнида «Фан ва турмуш», «Қишлоқ ҳақиқати», «Ёш куч» газета ва журналларида мухбир, бўлим бошлиғи ва бош муҳаррир вазифаларида ишлаган. 1995-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим, 1997-2002 йилларда Республикада биринчи мустақил нашр-«Ҳуррият» газетасида бош муҳаррир, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасида ҳамраис вазифаларида фаолият юритди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири ва «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси.

Х. Дўстмуҳамедов журналист ва ёзувчи сифатида республикада таниқли ижодкорлардан ҳисобланади. Миллий тафаккур, маънавият ва шахс тарбияси мавзусида 300 дан ортиқ мақола муаллифи. «Ҳовли этагидаги уй», «Жажман», «Қазо бўлган намоз» асарлари «Йилнинг энг яхши ёзувчиси» сифатида «Офарин» мукофотига сазовор бўлган. «Бозор» романи ва «Ҳижроним мингдир, менинг» ҳикоялар тўплами унинг номини янада машҳур қилиб юборди.

Х. Дўстмуҳамедов филология фанлари номзоди. Мустақиллик йилларида Югославия, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Швейцария, Покистон, Бельгия мамлакатларида хизмат сафарида бўлиб, демократик жамият, ижтимоий ҳаёт ва эркин матбуот муаммолари бўйича катта тажриба орттирган.

Х. Дўстмуҳамедов таниқли жамоат арбоби ҳамдир. У Биринчи ва Иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутати сифатида Республикамизнинг барча вилоятларида, кўплаб туманларида бўлиб, турли касб ва ёшдаги ватандошларимиз ҳаёти билан бевосита танишган, улар билан яқиндан мулоқот ўрнатган.

Оилали. Икки фарзанди, тўрт невараси бор.

Дўстмуҳамедов Хуршид Набиевич 62-Янгиер сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Насиба ВАФОҚУЛОВА*

***53-Нарпай сайлов округи***



Вафоқулова Насиба Баҳромовна 1963 йил 16 майда Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида туғилган. Маълумоти олий. Самарқанд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1986 йили Самарқанд вилояти Агро-саноат бирлашмасида бош ҳуқуқшунос-маслаҳатчи вазифасидан бошлаган. 1991-1996 йилларда Боғишамол тумани ҳуқуқий маслаҳатхона адвокати, 1996-1997 йилларда Пахтачи тумани ҳокимиятида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи, 1998-2000 йиллари Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Ахборот-таҳлил гуруҳи етакчи мутахассиси, 2000-2004 йилларда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар гуруҳи етакчи мутахассиси вазифаларида фаолият кўрсатган.

2004 йилнинг январь ойидан вилоят ҳокимлигининг ҳуқуқшуноси лавозимини эгаллаб турибди. Тажрибали ҳуқуқшунос турли ҳаётий ҳолатларда юз келинадиган муаммоли, баъзан баҳсли вазиятларга қонуний нуқтаи назарлардан ойдинлик киритиш борасида ўз тажрибаси, билимини, фуқаролардан келиб тушадиган ариза ва шикоятларга ўз вақтида ва малакали жавоб беришдан вақти, кучини аямайди.

Вафоқулова Насиба Баҳромовна 1997-1998 йиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиб, малака оширди ҳамда назарий жиҳатлардан олган тажрибаларини Япония ва Дания сингари дунёнинг тараққий этган мамлакатларига қилган хизмат сафари чоғида амалиёт нуқтаи назаридан мустаҳкамлаб қайтди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Вафоқулова Насиба Баҳромовна 53-Нарпай сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Мамадғани ВАЙДУЛЛАЕВ*

***60-Гулистон сайлов округи***



Вайдуллаев Мамадғани Муродович 1958 йили Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Баландчақир қишлоғида туғилган. 1977 йили ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат Медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга кирган. Шифокор сифатидаги меҳнат фаолиятини Ховос тумани марказий касалхонасида бошлаган. 1989—1991 йиллар мобайнида Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент шаҳар клиникасида жарроҳлик бўйича малака оширди. 1993 йилдан Ховос бирлашган тармоқ шифохонаси жарроҳлик бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Қисқа фурсат ичида у раҳбарлик қилаётган бўлим замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланди, шунингдек, Мамадғани Вайдуллаев тиббиёт соҳасида бўлаётган янгиликларни ўзи ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда доимо ўрганиб боради. Ўрганган янгиликларини амалиётда қўллашда яхши самараларга эришмоқда.

Вайдуллаев Мамадғани ўз устида тинимсиз ишлаши, изланувчанлиги, беморларга меҳрибонлиги ва қўли енгил жарроҳлиги билан эл-юрт орасида иззат-обрў топди. Айни пайтда жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келади. Беморлардан, қаровсиз қолган оилалардан ва ногиронлардан тез-тез хабар олиб туради. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бўладиган жамоат тадбирларида фидойи раҳбар ва етакчи сифатида кўпчиликнинг ҳурматини қозониб келади.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

Вайдуллаев Мамадғани Муродович 60-Гулистон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Дилбархон ҚОБУЛОВА*

***61-Сайҳун сайлов округи***



Қобулова Дилбархон 1952 йили Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий. 1976 йили Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи санитария факультетини тугатган. Иш фаолиятини Сирдарё вилояти санитария-эпидемиология станциясида станция врачи сифатида бошлаган. 1979-1989 йилларда Сирдарё туман санитария-эпидемиология станцияси врачи, 1989-1990 йилларда Сирдарё вилояти санитария-эпидемиология станцияси санитария гигиена лабораторияси врач-лаборанти, 1990-1993 йилларда лаборатория мудири, 1993 йил Гулистон санитария-эпидемилогия станцияси санитария врачи, 1994-2004 йилларда Гулистон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология Назорат Маркази санитария бўлими мудири вазифаларида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда Гулистон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология Назорат Маркази бош врачи.

Бевосита унинг ташаббуси билан Гулистон шаҳрини санитария-эпидемиология бўйича ҳар томонлама муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Бу тадбирлар аҳоли саломатлигини ва турмуш тарзини яхшилашга қаратилган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Қобулова Дилбархон 61-Сайҳун сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Облоқул ҚУВОНДИҚОВ*

***50-Иштихон сайлов округи***



Қувондиқов Облоқул Қувондиқович 1939 йили 15 декабрда Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган. Маълумоти олий. 1962 йил Самарқанд Давлат университетининг физика факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1962 йили Самарқанд Давлат университетида лаборантликдан бошлаган. 1962-1969 йилларда СамДУда тадқиқотчи, ассистент вазифаларида ишлаган. 1969-1972 йиллари Москва Давлат университети аспиранти, 1973-1982 йилларда СамДУда катта ўқитувчи, доцент, 1982-1985 йилларда СамДУнинг физика факультети декан ўринбосари, 1985-1986 йилларда физика факультети декани, 1986-1993 йилларда кафедра мудири, СамДУнинг тест маркази бошлиғи вазифаларида ишлаган. Ҳозирги кунда Самарқанд Давлат университетининг кафедра мудири вазифасида ишламоқда.

Профессор О.Қувондиқовнинг физика фани ривожида ўзига хос муносиб ҳиссаси бор. У ёшларга физика фани сирларини ўргатишда янги технологияларга таяниш билан бирга, шу соҳада хорижда бўлаётган янгиликлардан ҳам хабардор қилиб боради. Унинг мақсади ҳар томонлама етук мутахассис етиштиришдир.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор.

Қувондиқов Облоқул Қувондиқович 50-Иштихон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Собиржон ЖАББОРОВ*

***54-Оқдарё сайлов округи***



Жабборов Собиржон Абдураззоқович 1969 йили 16 майда Сирдарё вилояти Сирдарё туманида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, 1981 йили Самарқанд Давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирган. Мутахассислиги биология ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1986 йили Сирдарё вилояти Сирдарё туманида ишчи вазифасидан бошлаган ва 1990 йилгача дастлабки ҳаётий тажрибалар орттирган. Шундан сўнг у вилоят миқёсидаги нуфузли ташкилотларда масъул вазифаларда меҳнат фаолиятини давом эттирган. Чунончи, 1991-1994 йилларда Самарқанд вилояти ижтимоий таъминот бошқармасида етакчи мутахассис, 1994-1996 йилларда Давлат тасарруфидан чиқаётган корхоналар мулкини баҳолаш марказида мутахассиси, 1997-2001 йилларда Касаба уюшмалари Самарқанд вилояти кенгашида йўриқчи вазифаларида ишлаган. 2001 йилдан бошлаб Касаба уюшмалари Самарқанд вилояти кенгашида иш бошқарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Собиржон Жабборов ҳозирги ўтиш даврининг мураккабликларини яхши тушунади, турли катта-кичик муаммоларга рўпара келиб қийналаётган фуқароларнинг шикоятларига яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилади, ҳар қандай мушкул ишнинг қонуний асосларда ечимини топишга кўмаклашади. Шу жиҳатлари билан касаба уюшмаси соҳасининг тажрибали ходими эканини намоён этади. Ўз устида тинимсиз изланувчан, ўқиш ва меҳнат қилиш машаққатидан чўчимайдиган, давр талабларига жавоб берувчан кадр бўлиш истаги уни иккинчи мутахассисликни эгаллашга даъват этди. Мана шу қалб амрига қулоқ тутиб, у Самарқанд Давлат университетининг иқтисодиёт факультетига кириб ўқишга жазм этди. Айни пайтда у ушбу факультетни битириш арафасида.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Жабборов Собиржон Абдураззоқович 54-Оқдарё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Мухаббат ЧОРИЕВА*

***63-Шеробод сайлов округи***



Чориева Мухаббат Ахмедовна 1966 йил 25 майда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1991 йили Тошкент Давлат университетини ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича тамомлаган. Иш фаолиятини Сурхондарё вилояти судида котибаликдан бошлаган. 1990 йили Шеробод туман судида девонбеги, 1993 йилдан Шеробод туман юридик маслаҳат уйида адвокат вазифаларида ишлаган. 1996 йилдан бери Шеробод туман ФХДЁ бўлим мудири лавозимида фаолият юритмоқда.

М. Чориева касб тақазосидан келиб чиқиб асосан одамлар билан ҳуқуқий соҳада иш олиб боради. У жамиятимизда ҳар томонлама ҳуқуқ муассасаларини такомиллаштириш борасида фидойилик билан меҳнат қилиб келмоқда. Жумладан, ёшларни оилага тарбиялаш, оила ҳақ-ҳуқуқларини билиш, оилада фарзандлар тарбиясига ҳамиша эътиборини қаратади. Шу билан бирга қишлоқ фуқаролар йиғинларида, мактабларда, тиббиёт муассасаларида тез-тез бўлиб долзарб ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар уюштириб туради.

Оилали. Уч фарзанди бор.

Чориева Мухаббат Ахмедовна 63-Шеробод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

## *Жума ЧОРШАНБИЕВ*

***66-Жарқўрғон сайлов округи***



Чоршанбиев Жума Чоршанбиевич 1951 йили Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. Бойсун туманидаги 39-мактабда бошланғич таълимни олгач, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактабда ўқишини давом эттирган ва 1968 йили уни якунлаган. Маълумоти олий. 1973 йили Тошкент Давлат университетининг кимё факультетини, 1991 йили эса Тошкент Сиёсатшунослик ва бошқарув институтини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1975 йили Термиз шаҳар ёшлар қўмитасида йўриқчи вазифасидан бошлаган ва 1979 йилгача шу ташкилотда турли лавозимларда давом эттирган. 1979—1981 йилларда Термиз шаҳар "Билим" жамиятида масъул котиб, 1981—1984 йилларда шаҳар раҳбарий идорасида воиз, 1984—1991 йилларда вилоят ташкилотида сектор мудири, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг Жума Чоршанбиевнинг ташкилотчилик қобилиятига кенг йўл очилди. У нуфузли ташкилотларда, кейинчалик эса хусусий корхонада директор лавозимларида фаолият кўрсатди. 1992—1994 йилларда вилоят касаба уюшмалари кенгашида ташкилий ишлар бўлими мудири, 1994—1996 йилларда вилоят тадбиркорлар касаба уюшмалари кенгаши раиси, 1996—1998 йилларда вилоят тадбиркорлар палатаси раиси, 1998—2000 йилларда Ўзбекистон—Туркия ишбилармонлар иттифоқида Сурхондарё вилояти вакили, 2000—2001 йилларда вилоят ҳокимлигининг ташкилий-кадрлар бўлимида бош мутахассис лавозимларида меҳнат қилган.

2001 йилнинг декабридан буён "Маънавият ва маърифат" маркази Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда. Хизмат сафари юзасидан Югославия, Эрон, Хитой, Афғонистон ва Греция мамлакатларида бўлиб қайтган.

Оилали. 4 фарзанди бор.

Чоршанбиев Жума Чоршанбиевич 66-Жарқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.



*Туйғуларинг эш бўлиб кетар*
*Созларнинг хуш жарангларига,*
*Олов бўлиб ўйнагинг келар*
*Лазгининг шўх оҳангларига.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.**

# ОЛОВ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан 10 ноябрдан 10 декабргача Тошкент шаҳрида Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Шуни англаш керакки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқалигина ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкни, ўзимизнинг ва атрофимиздаги кишиларнинг ҳаётини асраб қолган бўламиз. Ушбу ёнғин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этсак, фуқаролик бурчимизни бажарган ҳисобланамиз. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида Тошкентда 1340 та ёнғин содир бўлган. 19 нафар киши тилсиз ёв қурбони бўлди. 13 киши эса, турли даражада тан жароҳати олди. Офатнинг моддий зарари 10 миллион 649 минг 188 сўмни ташкил қилади. Шаҳримизда совуқ тушиши натижасида ёнғинларнинг сони ортиб бормоқда. Бунга сабаб шуки, иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш, томларда ҳар-хил ёнувчи моддаларнинг сақланиши ҳамда қўлбола электр қиздирувчи асбоблардан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг уйда қаровсиз қолиб, гугурт ўйнаши натижасида ёнғинлар келиб чиқади.

Ёнғинлар халқ хўжалигига катта моддий зиён етказади, турар жой ва хусусий мулкларни яксон қилади, кишиларнинг майиб ёки ҳалок бўлишига олиб келади. Ёнғинни ўчиришдан унинг олдини олиш осон. Афсуски, ҳамон орамизда ёнғинга нисбатан лоқайд кишилар учрайди. Баъзи фуқаролар ўз уйи олдида ёнувчан чиқинди ахлатларни ёқиб қўядилар, қовжираган ўт-ўланларни, баргларни ажратилган жойга чиқариб ташлаш ўрнига ёқиб юборадилар. Хонадонларда бензин сақлаб сотиш, кўп миқдорда сомон ва бошқа ёнувчи материалларни сақлаш ҳоллари кузатилмоқда. Ёнғин содир этиш ҳолларини бартараф этиш мақсадида, қуйидаги ёнғинга қарши қоида, талабларга риоя этишингизни таклиф этамиз:

— турар жой, корхоналар атрофини қуруқ ўт, шохшабба, ахлат чиқиндиларидан тозаланг;
— хонадонларда бензин сақлаш ва сотиш мумкин эмас;
— ҳовли, чордоқда хашак ва сомонларни сақлаш мумкин эмас;
— болалар ёлғиз қолмаслиги, олов билан ўйнамаслиги керак;
— ўчоқ, тандирдан чиққан кулларни тўла ўчириш;
— шаҳарда гулхан ёқмаслик;
— белгиланмаган жойда сигарет чекмаслик, юқори қаватдан сигарет, гугурт қолдиқларини улоқтирмасликни тавсия этамиз;
— ишлаб турган радио, телевизор, магнитафон ва бошқа электр асбобларни назоратсиз қолдирманг.

Мабодо ёнғин аломатларини сезсангиз тезда телефон орқали «01» рақамига зудлик билан хабар беринг ва хонадонлардан ёш болаларни, кексаларни ҳоли жойга чиқишини таъминланг. Ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Муборак КАМИЛОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ 12-ҲЁХБ капитани.**

*Футбол*

## РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

9 декабр куни Осиё футбол конфедерациясининг (ОФК) Малайзия пойтахти Куала—Лумпурдаги қароргоҳида 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун якуний саралаш босқичига, Осиё чемпионлар лигаси — 2005 мавсумга қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳаммага маълум Осиё учун 4,5 та ўрин берилган. Ўзбекистон терма жамоаси қуръага кўра «А» гуруҳидан ўрин олди.

| «А» гуруҳи | «В» гуруҳи |
|---|---|
| Жанубий Корея | Япония |
| Саудия Арабистони | Эрон |
| Ўзбекистон | Бахрайн |
| Кувайт | КХДР |

Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий терма жамоаси якуний саралаш босқичини 9 февраль куни бошлайди. Шу куни футболчиларимиз Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида Саудия Арабистони терма жамоаси билан куч синашади.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

*Божхона масканларида*

# ИЧКИ БОЗОР ҲИМОЯДА

Божхоначиларнинг асосий вазифаси — божхона ҳудудида самарали назоратни ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш, ички бозорни ҳимоялашдан иборатдир. Айниқса, ички бозорга инсонлар саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган сифатсиз товарларни кириб келишини, товарларнинг қўлдан-қўлга ўтиб уларнинг нархларини асоссиз равишда ортиб кетишини олдини олиш муҳимдир. Фарғона божхоначилари бу борадаги ҳукумат қарорларини амалга ошириш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширишаётир.

9-сонли «Ўзбекистон» божхона маскани Қувасой шаҳри ҳудудида жойлашган. Ушбу масканга Қувасойнинг Полмон қишлоғидаги «Полмон», Фарғона тумани Гулпиён қишлоғидаги «Гулпиён» божхона пунктлари бириктирилган.

«Ўзбекистон» божхона маскани Қирғизистон Республикасининг «Қизил қия» шаҳри, «Полмон» божхона пункти «Учқўрғон» қишлоғи, «Гулпиён» божхона пункти эса «Шарбулоқ» қишлоғи билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Божхона маскани назорат ҳудудида олтита қишлоқ бор. Бу қишлоқлардаги 1253 та хонадонларда ўн мингга яқин фуқаролар истиқомат қилишади.

«Ўзбекистон» божхона маскани ходимлари жорий йилнинг ўн ойи давомида божхона қоидаларининг бузилиши юзасидан 175 та ҳолатни аниқладилар. Ҳуқуқбузарлардан 26 миллион 85 минг 506 сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олинди. Саккизта ҳолатда қора металлар, ўн саккизта ҳолатда минерал ўғитлар, ўн бешта ҳолатда эса валюта қимматликлари ушлаб қолинди.

Масалан, Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига божхона назоратини четлаб 3 миллион 204 минг 300 сўмлик спорт кийим-кечакларини олиб кираётган шахс ушланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари ва 184-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Худди шунингдек, Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига божхона назоратидан яшириб, 1900 АҚШ долларини олиб кираётган шахс ҳам ушланди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а» банди ва 184-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Республикамиз ташқарисига пахта хом ашёси, нефт маҳсулотлари, минерал ўғит, рангли ва қора металларни ноқонуний олиб чиқиш, мамлакатимиз ҳудудига гиёҳванд моддалар, алкогол маҳсулотлари, диний экстремизмни тарғиб қилувчи материаллар ва халқ эҳтиёжи молларини ноқонуний равишда кириб келишини олдини олиш юзасидан божхоначилар Қувасой шаҳридаги ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда тадбирлар режасини тузишган. Ишлар шу режа асосида олиб борилаётир.

Божхона хизмати капитанлари Набижон Мирзараҳимов, Абдубоқи Ҳожиматов, божхона хизмати катта лейтенантлари Зафаржон Аҳмедов, Шавкат Мамадалиев, Умаржон Турдиев, божхона хизмати лейтенанти Отабек Усмоновлар ҳар жабҳада бошқаларга ўрнак бўлишаётир.

Божхона масканида ҳафтада икки марта маънавият, маърифат ва касб маҳорати ўқув машғулотлари ўтказилаётир. Унда божхона хизматига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар, Президент асарлари, ҳукумат қарорларининг моҳиятлари, республикамиз ички ва ташқи сиёсатига оид воқеалар баён этилиб борилади. Инглиз ва лотин тилини ўрганиш бўйича ҳам машғулотлар ўтказилаётир. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида хизмат самарадорлиги ой сайин ортиб бораётир.

**Мирзоҳид НИШОНОВ,**
**Фарғона вилояти «Ўзбекистон» божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати капитани.**

*Дастурхон кўрки*

## МАЙИЗЛИ ТОРТ



***МАСАЛЛИҚ:** 2 та тухум оқи, 1 стакан шакар, 1 стакан ун, 1F 8 чой қошиқ сода, 1 стакан майиз, 1 стакан майдалаланган ёнғоқ.*

**ТАЙЁРЛАШ:** Тухум оқи ярим стакан шакар билан кўпиртирилади.— Тухумнинг сариғи қолган шакар билан алоҳида кўпиртирилади. Сўнгра иккала аралашмани қўшиб, ун, сода, майиз, ёнғоқ солиб аралаштириб, духовкада 120—150 градус ҳароратда 40—50 дақиқа давомида пиширилади. Пишган тортни 2 ёки 3 бўлакка бўлиб совутинг.

**КРЕМИ**: 1 стакан суюқ сметана 0,5 стакан шакар билан яхшилаб кўпиртирилади.3 та тухум оқи 0,5 стакан шакар билан алоҳида кўпиртирилиб, унга сметанали крем билан ванилин аста—секин аралаштирилади. Тайёр тортга яхшилаб крем суртиб, устки қисми ёнғоқ ва майиз билан безатилади. Тортни 24 соат совутгичга қўйинг.

# МАСЛАҲАТХОНА

*Оч қоринга кўк чой ичманг.Чунки, у кўнгилни айнитади, қайт қилдиради, ўхчитади.*

* * *

*Чой дамлаш учун сувни узоқ қайнатиш ёки илгари қайнатилган ва совиб қолган сувни яна қайнатиб чой дамлаш ниҳоятда зарарлидир.*

* * *

*Иссиқ мижозли одамлар наъматакдан чой дамлаб ичиши маъқул эмас. Чунки, у бундай одамларнинг ошқозон ости безига салбий таъсир кўрсатади.*

*Наъматак чойни сурункасига ичавериш ҳам зарарли, бунда одамнинг юзи рангининг сарғайиб қолиши кузатилган.*

* * *

*Мушаклар шамоллаганда, қорасон хасталигида наъмаътак қайнатмасини оғриқ кўзғалган, ҳаста жойларга суртиш дардни енгиллаштиради.*

* * *

*Жигар оғриғини қолдиришда наъматакчой энг яхши, шифобахш малҳамлардан бири бўлади.*

*Кўз шамоллаб, тез—тез ёшланиб турса, шапақлашса ёки говмижжа чиқаверса, наъматак қайнатмаси билан кўзни кўп марта ювиб туриш тавсия этилади.*

**МАНСУБА ТЎПЛАДИ.**

*ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!*

# ҚАНЧА НАФАС ОЛАМИЗ?

Мутахассис олимлар инсоннинг ҳаёти бошдан оёқ олдиндан белгилаб қўйилган режа асосида ўтишини аниқлашган. Яъни, биз ўзимиз ҳақимизда билмайдиган нарсаларни ҳисоб— китоб қилишганида қуйидагилар маълум бўлди.

Одамзод умр бўйи ўрта ҳисобда 40 тоннага яқин овқат истеъмол қилар экан. Демак, ўрта ҳисобда, 70 йил давомида 11 тонна нон, 11,410кг туз,7 тонна гўшт,тухум ва балиқ ҳам шу рўйхатда бор. Бундан ташқари, ўша муддат давомида 42 тонна суюқлик ичар эканмиз. Бунга она сути—ю, чой, сув ва бошқа ичимликлар ҳам киради. Хуллас, умримизнинг нақ 15 йили овқатланиш билан ўтар экан.

Ҳар дақиқада 17 марта нафас олиб, нафас чиқарар эканмиз. Агар биз нафас оладиган ҳавони ўлчайдиган бўлсак,у 380 минг кубометрни ташкил этади.

Миямиз 14 миллиард ҳужайрадан иборат экан. У 86 миллион ахборотни эслаб қолишга қодир.

Бошимизда эса, 125 мингга яқин соч толаси мавжуд бўлиб, умримиз давомида 1,5 миллиони тушиб, яна қайтадан ўсар, битта соч 50 кундан 150 кунгача яшар экан.

Хўш, юрагимизчи? Юрагимиз шунчалар бақувват эканки, унинг кучи ҳар йили 900 килолик юкни 14 метр баландликка кўтариб чиқариши мумкин эмиш.

Агар одам умрбод соқолини олмаса, умрининг охиригача тахминан 8 метру 32 сантиметр ўсаркан. Бу уч қаватли бинонинг баландлиги билан тенг.

Олимларнинг бу «топилдиқ»лари сизни қизиқтириб қўйган бўлиши табиий. Уларнинг гапига яна қулоқ тутайликчи?

18 ёшдан 25 ёшгача бўлган оралиқ зийраклик даври ҳисобланар экан.— Тадқиқотлар кўрсатишича, эркаклар 15 ёшдан 35 ёшгача, аёллар 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган даврда соғлом, куч—қувватга тўла бўлар экан.

30 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврда руҳий хасталиклар ривожланиши мумкин. 15 ёшдан 25 ёшгача кишининг энг шодон туйғули, 40 ёшдан 50 ёшгача эса, касб маҳоратининг ривожланиш даври ҳисобланар экан. 30 ёшдан 40 ёшгача эса, одатда инсон иқтидорини намойиш этиши учун энг қулай давр ҳисобланади, Нобель мукофотига сазовор бўлганларнинг кўпчилиги ҳам 30 ёшдан кейин ўзларининг мўъжизали туҳфаларини яратган.

40 ёшда одамнинг вужудида янги куч—қувват манбаи очилиб, катта ўзгаришлар қилишга, ҳаттоки, ҳаётини бутунлай ўзгартиришга мос иштиёқ пайдо бўлади. 50 ёш ва ундан кейин эса, тинчликка, бир хилликка мойиллик кучаяди, ҳаётингиз осуда, бир маромда ўтишига ҳам кўникиб қоласиз.

Хуллас, биз ўзимиз ҳақимизда билмаган, балки эътибор бермаган ана шундай нарсалар ҳам бор. Аслида эса, ҳамма нарса кайфиятимизга, орзу—интилишларимизга боғлиқ.

**ЖОНСЎЗ тайёрлади.**

*Ғаройиб олам*

## ИККИ БОШЛИ БОЛАЛАР

2003 йилнинг 10 декабрида Доминикан Республикасида (Кариб денгизининг Гаити оролида ) икки бошли бола дунёга келганди. Қизча Ребекка Мартиннинг иккинчи калласида қисман ривожланган кўзи, қулоқлари ва лаби бор эди. У пастки бошидан тезроқ ўсаётган эди. Айнан шу муаммо қизалоқ тақдирида машъум воқеа бўлди. Ребеккага иккала бошини кўтариб юриш оғирлик қила бошлади. Сиам эгизакларини ажратишда анчагина тажриба орттирган америкалик жаррохлар қизчани тепадаги бошини олиб ташлашга қарор қилишди. Операцияга кетадиган сарф—ҳаражатларни ўз бўйнига олган жаррохлар 2004 йилнинг 6 февралида операцияни бошлашди. Бироқ 11 соат давом этган операция вақтида қизча кўп қон йўқотди. Ва натижада юрак хуружидан вафот этди.

Тиббиёт тарихида болаларнинг 2 бошли бўлиб туғилиш ҳолатлари 9 тани ташкил этади.— Булардан энг машҳури 1783 йилнинг май ойида Бенгалияда камбағал фермер оиласида содир бўлганди. Бу оилада туғилган икки бошли болакай бир неча йил умр кўрган, шу вақт мобайнида эса ота— онаси Калъкуттада катта пул эвазига оммага болани кўрсатиш билан шуғулланишган.

## САНЪАТНИНГ КУЧИ

Флоридадаги банклардан бирига қуролли ҳужум уюштиргани учун АҚШ полицияси томонидан қидирилган жиноятчи кутилмаганда ўзини хибсга топширди. Махбуснинг билдиришича, Мел Гибсон иштирокидаги фильм унда улкан таассурот қолдирган ва у юқоридаги қарорга келган эмиш.

Бироқ полиция вакилларининг билдиришича, бунда махбус кўпроқ бошқа нарсани ҳам ҳисобга олган. Маълум бўлишича у простата касаллигига учраб, бепул даволанмоқчи бўлган. Бунинг устига у машинада яшашдан, полиция уни машинасини ҳар тўхтатганида қалтирашдан жуда чарчаган.

## ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН ДАРС

Венгриянинг Печ шаҳридаги Клара Леова номидаги ўрта мактабда бўлиб ўтган венгер тили ва адабиёти дарси 24 соатга чўзилди. Ўқитувчи Шаболч Залай 34 ўқувчига 18 июндан 19 июнгача (1999 йил) бўлган муддатда таълим бериб чарчамади ҳам.

## ЭСКАЛАТОРДА «САЙР»

Шри Ланкалик Аруланантам Сареш Йаким Барвуддаги (Австралия) «Uestfild» савдо марказидаги эскалаторга 145 соат—у 57 минут давомида чиқиб тушган. Унинг 25 майда бошланган «саёҳат»и 31 майда (1998 йил) ниҳоясига етган ва у 225,4 км масофани забт этган.

## ИЛОНЛАРДАН...БЎСА

АҚШлик Гордон Кейтс навбати билан дунёнинг энг заҳарли 11 илонидан «бўса олди» (1999 йил 25 сентябр). У 10 та кўзойнакли илон, битта 5,57 метрли қирол илонни «ўпиш»дан ҳам қўрқмади.

## ҲАВОДА ЖАҲОН БЎЙЛАБ

FAI (халқаро аэронавтлар федерацияси) талаблари асосида энг тез учиш мусобақаси 1995 йил 15—16 августда ўтказилган ва 31 соат 27 минут—у 49 секунд давом этди. Унда Франциянинг «Konkord» самолёти рекордни қўлга киритди.

## ЭНГ ҚИММАТ УЙ

1997 йилнинг 12 май куни машҳур сиёсий маслаҳатчи Ерик Хотунгнинг Гонконгдаги уй 101 миллион 909 минг 312 долларга ўзини таништиришни ҳохламаган бойвуччага сотилди.

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА таржимаси.**

Тошкент шахар Чилонзор тумани хокимлиги томонидан **18,08,2004** йилда **Мирзахаджаев Алишер Асқарович** номига берилган № 809/1722 **серияси 012954** Буюм бозорларида чакана совдони амалга ошириш хуқуқини берувчи рухсатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**ТВШ ОВД СССР** томонидан **30,05,1981** йил **Муродов Давлатжон Мухамеджанович** номига берилган **№ ЖВ 076878 Рег № 076878** диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шахар Миробод тумани П,Ф, Баровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан **Бутабаева Муқаддас Каримовна** номига **1984** йилда берилган **№ ЖТ–1, 101106 Рег № 74929** диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шахри Автомобил йўллар институти томонидан **1986 10** июлда **Туйғунов Ҳикмат Расулович** номига берилган **№ МВ–1 093917 Рег. № 187** диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шахар статистика бошқармаси томонидан Тошкент компьютер коллежи номига **02,05, 1996** йилда берилган **№1056 ОКПО** коди **02553542** гувохнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 227. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлим —136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00